



**МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА  
ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА  
ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР**

**Тайёрлади: проф. Ш.М. Ўлжаева**

## РЕЖА:

1. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ирригация тизимларидаги сифат ўзгаришлари
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3672-сон қарорининг қабул қилиниши ва унда белгиланган вазифалар
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг РФ-6024-sonли “Ўзбекистон республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва унинг аҳамияти
4. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган устувор вазифалар.
5. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган концепциясида ТИҚХММИ

# Адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»

2018 йил 12 февралдаги ПФ-5330-сон, «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон фармонларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сон қарори

Президентнинг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

**“Ўзбекистон республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган концепцияси**

2021 йил якуни бўйича “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган бандларнинг ижроси

2022 йил - «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сонли қарори





# Сув хўжалигининг фаоллият йўналишлари

1. Мелиорация
2. Сув қурилиши
3. Ирригация
4. Насос станциялари
5. Инвестициялар
6. Рақамлаштириш
7. Сувни тежовчи технологиялар
8. Томчи лойиҳаси



- **Сув хўжалиги тизимини рақамлаштириш борасида 2022 йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот**
- “Ақлли сув” қурилмаларини ўрнатиш режаси 2022 йилда 4 540 дона режалаштирилган.
- Мелиоратив кузатув қудуқларига сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн мониторинг қилиш қурилмаларини (Дайвер) ўрнатиш режаси 2022 йилда 2050 та.
- Насос станцияларига сув миқдорини “онлайн” назорат қилиш қурилмаларини ўрнатиш режаси 2022 йилда 1 238 та этиб белгиланган.
- Йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш тизими бўйича 2022 йилда режа 20 та.



- **Сув хужалиги тизимини рақамлаштириш борасида 2023 йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот**
- 
- Ҳисобот даврида вазирлик тасарруфидаги 5 162 дона сув ўлчаш постларига “Ақлли сув” қурилмаларини ўрнатиш белгиланган бўлиб, амалда 2 229 дона (43%) қурилмалар ўрнатилган. Шунингдек, Фарғона вилоятида 1 та йирик сув хўжалиги объектини бошқариш тўлиқ автоматлаштирилган.
- Йиллик 253 дона насос станциясига сув миқдорини онлайн назорат қилиш қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, амалда 11 та насос станциясига ўрнатилган ёки режа 4 фоизга бажарилган.
- 1 080 дона мелиоратив кузатув қудуқларига сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилиб, бу борадаги режа 51 фоизга бажарилган.
-






## 2022 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

- Республикамизда 2022 йилда 230 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш 200 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларини лазер текислагич ускунаси ёрдамида текислаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.
- 2022 йил давомида республика бўйича жами 463,7 минг гектар майдонда, жумладан, 89,8 минг гектарда томчилатиб, 16,1 минг гектарда ёмғирлатиб, 5,6 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 243,0 минг гектар майдонлар лазер ускунаси ёрдамида текисланди.
- Шу билан бирга, 72,9 минг гектарда эгилувчан қувурлар, 36,1 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш ишлари амалга оширилди.
- Шунингдек, пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2022 йилда 71,3 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратиб берилди.



## 2017-2020 йилларда бажарилган ишлар

1 380 км ирригация тизими каналлари ва 212 та гидротехника иншооти, 319 км лотокли суғориш тармоқлари, 3 474 км коллектор-дренаж тармоқлари ва 556 та гидротехника иншооти, 46 та насос станция, 265 та вертикал дренаж қудуқлар реконструкция қилинди ва қурилди. Шунингдек, 44 508 км коллектор-дренаж, 1 766 та вертикал-дренаж қудуқ, 36 та насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги объектлари таъмирланди ва тикланди, 58 688 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинди.



2020 йил давомида 835,5 минг гектар суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти, 897,5 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди;

ўртача ва кучли шўрланган майдон 81,5 минг гектарга, ер ости сувлари майдонлари 202 минг гектарга;

48 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилди;  
сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш;  
сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш;


давлат экспертизасидан ўтказиш, қуриш ва реконструкция қилиш;

сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш;

соҳани бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бегилаб олинди;

Аксарият сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш муддати 30-40 йилдан ортган, уларнинг техник ишончлилиқ даражаси пасаймоқда.

Объектларни лойиҳалашга ҳолис хорижий экспертларни жалб қилиш илғор хорижий тажрибани жорий қилиш талаб этилади.



Ўтган давр оралиғида иқлим ўзгариши ва бошқа антропоген таъсирлар оқибатида Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва шу каби йирик дарёлар шаклланадиган музликлар ўртача 30 фоизга қисқариб, дарёларнинг сувлилик даражаси пасаймоқда.

Глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансчегаравий сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли йиллик олинаётган сув белгиланган лимитига нисбатан ўртача 20 фоизга қисқарган. Бугунга келиб Ўзбекистон аҳолиси эса 34 миллион кишидан ошди, аҳоли жон бошига ўртача 1 500 м<sup>3</sup> сув тўғри келмоқда. 2030 йилгача аҳоли сони 39 млн нафаргача кўпайиб, бу кўрсаткич 1 250 м<sup>3</sup> га тушиб кетиши мумкин. Бу шароитда республика аҳолисининг ичимлик сувига бўлган талаби 2,3 миллиард куб метрдан 3,0 миллиард куб метрга етиши кутилмоқда. Шунингдек, саноат ва энергетика соҳалари фаол ривожланиб, йиллик сув истеъмоли 1,9 миллиард куб метрдан 2030 йилга бориб 3,5 миллиард куб метрга етади.

Бундан кўриниб турибдики, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигига ажратилган сувнинг улушидан камаяди. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантиришнинг 11 та устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу устувор йўналишларни амалга ошириш орқали мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаб сув хавфсизлигига эришиш кўзда тутилган.







Сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги объектларининг ишончли ва беҳатар ишлашини назорат қилишда идоралараро ҳамкорлик тизими самарали йўлга қўйилмаган. Оқибатда кейинги йилларда айрим сув хўжалиги объектларида техноген вазиятлар кузатилмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида сув ресурслари йилдан-йилга камаймоқда. Сув ресурсларини самарали бошқариш ва оқилона фойдаланиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамасдан сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонлар улуши паст бўлиб, бир гектар майдонга сарфланадиган сув миқдори юқорилигича қолмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олишда рақамли технологиялардан фойдаланиш, соҳага бозор тамойилларини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмини жорий қилиш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти.

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари салмоғи паст бўлиб, уларнинг натижаларини, шунингдек, инновацион ишланмаларни жорий қилиш, қуйи поғона ходимларининг малакасини ошириш тизимли йўлга қўйилмаган.









- сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобини юритиш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш,
- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш,
- сувларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва бартараф этиш
- соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Республика аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган муттасил ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитларни яратиш,

- сув ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланишни таъминлаш ва бошқалар



Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари, давлат-хусусий шериклик механизми ва аўсорсингни жорий қилиш;

лойиҳа-қидирув, экспертиза ва қурилиш ишларини сифатли ташкил қилиш, сув хўжалиги объектларини модернизациялаш ва ривожлантириш, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш, тоифаланган сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва экспертиза қилиш ишларига хорижий мутахассисларини жалб қилиш;

ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги ва объектнинг хавфсизлигини аниқ кўрсаткич ва мезонлар асосида чуқур таҳлил қилиш орқали устувор лойиҳаларни белгилаш ва амалга ошириш;

сув хўжалиги соҳасида ресурстежамкор технологиялар, замонавий қурилиш материаллари, илғор хорижий тажрибаларни кенг қўллаш;


сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда тегишли маълумотлар базасини шакллантиришда рақамли иқтисодиёт соҳасидаги илғор ишланма ва технологияларни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар малакасини оширишни тизимли ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш;

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.







## Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги  
Жаҳон банки лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи,

Осиё тараққиёт банки лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи ва Араб  
мувофиқлаштириш гуруҳлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи  
негизида:

Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш  
агентлиги;

Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш  
агентлиги;

б) туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларини туман (Қувасой  
шаҳар) сув хўжалиги бўлимлари ташкил этилди.

Сўнги беш йилда юртимизда 643 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий қилинди. Шундан томчилатиб суғориш – 309 минг гектар, ёмғирлатиб суғориш – 15 минг гектар, дискрет суғориш (пульсар) – 11 минг гектар ҳамда 99 минг гектар – бошқа суғориш тизимларидан иборат. Бундан ташқари, 209 минг гектар лазерли ускуна ёрдамида текисланган.

Ўтган 2021 йилнинг ўзида сувни тежайдиган технологиялар 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизига етди.





- **Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида 2022 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

- Республикамизда 2022 йилда 230 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш 200 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларини лазер текислагич ускунаси ёрдамида текислаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.
- 2022 йил давомида республика бўйича жами 463,7 минг гектар майдонда, жумладан, 89,8 минг гектарда томчилатиб, 16,1 минг гектарда ёмғирлатиб, 5,6 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 243,0 минг гектар майдонлар лазер ускунаси ёрдамида текисланди.
- Шу билан бирга, 72,9 минг гектарда эгилувчан қувурлар, 36,1 минг гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш ишлари амалга оширилди.
- Шунингдек, пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2022 йилда 71,3 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратиб берилди.



2020 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6024-сонли “Ўзбекистон республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Сув хўжалиги тизимида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида 2022 йилнинг 6 ойи давомида ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 756,8 млрд. сўм ёки ажратилган йиллик лимитга нисбатан 79% (9 ойлик режага нисбатан 105%) капитал қўйилмалар лимити ўзлаштирилган. Жумладан, ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича 547,5 млрд. сўм ёки йиллик лимитнинг 77 фоизи (9 ойлик режага нисбатан 102%) ўзлаштирилиб, 224,8 км каналлар, 88,7 км лоток тармоқлари, 7,3 км босимли қувурлар, 9 та гидротехника иншооти, 2 та насос станция, 48 та суғориш қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган. Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 209,3 млрд. сўм ёки йиллик лимитнинг 81 фоизи (9 ойлик режага нисбатан 104%) ўзлаштирилиб, 589,0 км коллектор-дренаж тармоқлари, 31 та гидротехника иншооти ҳамда 9 та кўприк, 15 та мелиоратив вертикал дренаж қудуқлари қурилган ва реконструкция қилинган. Бундан ташқари, 291,0 млрд. сўм ёки йиллик ажратилган лимитнинг 80 фоизи (9 ойлик режага нисбатан 111%) ўзлаштирилиб, 14 016,0 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилган.

## Ирригация тизимлари ва ирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш борасида 2022 йилнинг 6 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Республика бўйича жорий йилда эксплуатация маблағлари ҳисобидан 5348,0 км узунликдаги ирригация тизими каналларини тозалаш ҳамда улардаги 5495 та гидротехника иншоотлари ва 5665 та гидропостларни таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички хўжалик тармоқларини 17487,0 км узунликда механизм ёрдамида, 60467,0 км узунликда қўл кучи ёрдамида тозалаш, улардаги 13 968 та гидротехник иншоот ҳамда 12 979 та гидропостларни таъмирлаш режалаштирилган.

Ҳисобот даврида 3089,0 км (58%) узунликдаги ирригация тизими каналлари тозаланиб улардаги 3334 дона (61%) гидротехника иншоотлари ва 3335 дона (59%) гидропостларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички хўжалик тармоқларини механизм ёрдамида 9477,0 км (54%) узунликдаги ҳамда 31618,0 км (52%) узунликдаги қисми қўл кучи ёрдамида тозаланиб улардаги 7841 дона (56%) гидротехника иншоотлари ва 7367 дона (57%) гидропостлар таъмирланди.

Бундан ташқари, ички хўжалик суғориш тармоқларидаги фермерларнинг 19 765 дона сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишлари режалаштирилиб, амалда 10350 дона (52%) сув олиш қулоқларини жиҳозланди.



# Томчилатиб суғориш





